

# **ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭРТАКЛАРИДА БИР КЎЗЛИ ОДАМ**

## **ТИМСОЛИ**

**Хамза Камалович Алламбергенов**  
**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти**  
**Ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси**

Ғайритабиий тимсолларнинг кўпчилиги универсал хусусиятга эга. Типологик ҳодиса сифатида қараладиган бу тимсоллар дунё халқлари мифологиясида ёки эртакларида мавжуд. Зотан, В.М.Жирмунский айтганидек, эртаклар – сехрли, ҳайвонлар ҳақидаги... эртак сюжетлари *халқаро характерга* (таъкид бизники – X.А.) эга [Жирмунский: 261]. Мифлар ҳақида ҳам шу фикрни илгари суриш мумкин. Дунё халқларининг турли даражадаги маданий қатламида истиқомат қилган халқларнинг, қабилаларнинг бадиий тафаккури ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Маданий қатlam қанчалик қуи босқичга боргани сари, ибтидоий тафаккур тарзини кўрсатадиган ғайритабиийлик шунчалик аниқ намоён бўлиб бораверади. Жумладан, самовий жисмлар билан инсоннинг маълум бир аъзолари ўртасидаги ўхшашликка асосланган ғайритабиий образлар ибтидоий образлар сифатида қаралиши мумкин. Масалан, орийлар яратган мифларда шу ибтидоий босқич сақланган. Орийлар қуёшни «осмоннинг кўзи» деб атаганлар. «Ригведа»да қуёш «Митранинг, Варунанинг ва Агнининг кўзи» деб таърифланади. Дарвоқе, «Ригведа»нинг яратилиши Ўрта Осиёдан милоддан олдинги иккинчи минг йилликда Ҳиндистонга кўчиб борган орийларнинг бадиий ва оғзаки ижоди билан боғлиқ [Олтун ёруғ: 8]. «Занд Авесто»да у «чопқир отлари бор чараклаган қуёш Ахурамазданинг кўзи» деб тасвиrlанса, бошқа ўринда «икки кўз”га ҳамду сано ўқилади. Икки кўз – қуёш ва ойдир. Қадимги скандинавия халқларида жамики борлиқнинг отаси Один бир кўзлидир [Тайлор: 169]. «Икки кўзли» образига алоҳида ургу берилишидан маълум бўладики, бир кўзли образ ибтидоий тафаккур босқичида одатдаги ҳол бўлган, инсоният икки кўзли жонзотни алоҳида таъкидлаган. Дунё

мифологиясидаги ва эртакларидағи бундай ғайритабиий тимсолларни ёки сюжетларни бир мақола доирасида таҳлил қилиш имкони йўқ, чунки материал кўп, уларнинг функцияси ҳам ҳар бир халқнинг тарихий, маданий, ижтимоий тараққиёт босқичларида маълум ўзгаришларга учраган, ғайритабиийликнинг барча хусусиятлари бирида мужассамлашган, бошқа бирида ибтидоий даражада қолиб кетган. Айни пайтда поэтик шакллар ҳам ўзгаришга учраган шу боис ғайритабиий тимсол мазмунидаги ҳам ўзгаришлар бўлган. Биз бу масалада юқорида баён қилинган ғайритабиий образ – бир кўзли жонзот ҳақидаги айрим фикрларимизни туркий халқлар эртаклари мисолида ўртага ташлаш билан чекланамиз. Жумладан, бир кўзли одам ёки уч кўзли одам каби персонажлар иштирок этган эртаклар дунё халқларининг ҳаммасида бор бўлиб, уларнинг қиёфаси ғайритабиий бўлгани боис, ғайритабиий вазифаларни бажариш учун яратилган [Мыфи н.м.: 246].

Тарих асарларида худди тарихий далил сифатида келтирилган бир кўзли жонзотлар ёки инсонлар тимсоли эртакларда учрайдиган шу қиёфадаги образлар билан деярли бир хил мазмун ифодалайди. Зотан, бу ғайритабиий образлар ё маълум бир достонлардан олинган ёки тарих асарларида алоҳида урғу қаратилаётган халқнинг мифологик тасаввурлари асосида яратилган. Жумладан, Геродот «Тарих» асарининг тўртинчи китоби «Мельпомена»да бир кўзли одам ҳақида хабар беради. Прокониес ўлкасидан Каистробия ўғли Аристей ўз достонида шундай воқеани ҳикоя қиласи: Феб томонидан мағлуб қилинган Аристей иссадонлар ҳузурига келади. Унинг ҳикоя қилишича, иссадонлар ўлкасидан кейин аrimasп қабиласи истиқомат қиласи, аrimasплар – бир кўзли одамлардир [Герадот: 190]. Бу тасвир тарихий воқеа эмас, балки Аристейнинг достонидан олинган лавҳа. Аrimasп скиф тилида «бир кўзли» деганидир. Қуйидаги суратда аrimasплардан кейинги худудда истиқомат қиласидиган ва олтин қўриқлайдиган мифологик мазмундаги гриф тимсоли тасвирланган. Аrimasплар доимо грифлар билан ҳам, атрофидаги бошқа халқлар, жумладан, скифлар, иссидонлар билан жанг қилиб келган.

Суратдан кўриниб турганидай, мифологик қуш бўлган грифнинг калласи тасвири қанотли от тасвирини гавдалантиради, мана шу ҳолатда гриф аrimasplar – бир кўзли халқ билан жанг қиласпти. Гриф олтин кўриқлади, олтинлар аrimasplarга қўшни юртда. Arimasplar эса олtinga эгалик қилмоқчи. Гриф шу ҳолатда қанотли қушни ва мифологик отни гавдалантиради. Қанотли от тимсоли Марказий Осиё тасвирий ва амалий санъатида, шу худудда истиқомат қилган туркий қавмлар мифологияси кенг тарқалгани, «Алпомиш» достонининг қорақалпок, ўзбек версиялари ҳақида биз илгари **китобимизд**да айтиб ўтганмиз [Алламбергенов 29-32]. Айрим тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, аrimasp халқи бронза даврида жанубий Сибирнинг кўчманчи скиф халқи бўлиши мумкин [Википедия]. Геродот Аристейнинг «Аrimasplar ҳақида эпос» (ёки бу эпос «Аrimasplar» деб ҳам юритилган) достони асосида баён қилган аrimasplar азалдан мифологик образ бўлиб, жанговар қабила сифатида тасаввур қилинган.



Туркий халқлар эртакларида бир кўзли одам тимсоли давом этган. Қозоқ халқ эртакларида бу тимсол кўпроқ учрайди. Жумладан, «Ағайынды екі жігіт» деб номланган эртакда қаҳрамон юриб-юриб бир тоғда манглайида ёлғиз бир кўзи бор одамга дуч келиб қолади. Унга «Ассалому алайкум, ота», деб салом беради. Қизиги шундаки, мазкур эртакда биз бир кўзли одам тимсолини бошқа кўпчилик манбаларда таърифланадигандек ёвуз қаҳрамон сифатида кўрмаймиз. Болани кўрган бир кўзли одам ҳам унга «болам», деб мурожаат қиласди. Кимсасиз бу тоғда нима иш қилиб юрганини ва қаердан келганлигини сўрайди. Бола унга ота-онасиз, етим эканлигини, фарзанди йўққа фарзанд, подачиси йўққа подачи бўлишини айтади. Буни эшитган ёлғизкўз ундан ўзига фарзанд бўлишини сўрайди ва уйига овқатланишга таклиф қиласди. Овқатланиб бўлишгач, ётар пайтида ёлғиз кўзли чол унга шундай дейди: «Ал, балам, сен ұйықтағанында менен қорықпа. Менің көзим

қараңғыда от боп жанып кетеді үйдің ішін жарық қып» [Қазақ халық әдебіеті: 232].

Шунда бола құрқаслигини ва ташқарига чиқиб келишини айтади. Ташқарига чиққаң, овқат пишириладиган темирни олов остига тиқиб қўяди. Чол ухлагач, унинг кўзи ўт бўлиб ёна бошлайди. Буни пойлаб ётган бола чол обдан ухлади деган пайтда ташқаридаги олов остига солиб қўйган темирини олиб келиб чолнинг кўзига тиқиб олади ва қочиб кетади. Мазкур сюжет қаҳрамони ёлғиз кўзли чолнинг яхшилигига яхшилик билан жавоб бермади. Унга меҳрибонлик кўрсатган, уйидан жой берган қаҳрамонга нисбатан, мени барибир ўлдиради деган қўрқув билан бўлса керак, ёмонлик қиласди.

«Жалғыз көзді дәу» деб номланган қозоқ халқ эртагида бир кўзли одам дев сифатида талқин қилинади. Эртак қаҳрамони ўзи билмаган ҳолда бир кўзли девнинг саройига келиб қолади ҳамда кимсасиз бўлган бу жойни макон тутиб юради. Бир куни овдан келгач, қаттиқ ухлаб ётганида ногоҳ ер силкинган каби кучли шовқиндан уйғониб кетади ҳамда ёлғиз кўзли девни учратади. Эртакда бир кўзли одам шундай таърифланади: «... мандайында жарқыраған жалғыз көзі бар дәу айғайлаған даусы жер жаратындай, астындағы мінген қара тұлпарының тұяғы тиген жер жерошақтың орнында опырылып, буы бұрқырап, осқырынған күйінде сарайға шауып кіреді». [Қазақ халық әдебіеті: 238]

Эртак қаҳрамони камон ўки билан ёлғиз кўзли девнинг кўзига отади, уни яралайди. Уч кеча-кундуз олишиб девни енгади ва сарой ичидаги зиндонга ташлаб юборади. Эртакда бир кўзли девнинг енгилишига сабаб сифатида унинг қирқ кундан бери ухламасдан ва овқатланмасдан эл оралаб, одамларга кўп зулм қилиб саройга обдон чарчаб-ҳориб келгани ҳам баён қилинган. У ҳар сафар саройга келгач қирқ кун ухлаб, яхшилаб дам олиб, куч тўплаб яна овга чиқиб кетар экан.

«Аламан мен Жоламан» деб номланган қозоқ халқ эртагида эса бир кўзли одам ялмоғиз сифатида намоён бўлади. Эртакда таърифланишича, ёлғиз кўзли ялмоғиз бир кунлик жойдан ўлжасини дамига тортиб олар экан.

Эртак қаҳрамони Аламан ёлғиз күзли ялмоғиздан сеҳрли узук ёрдамида қутулиб қолади. Аламаннинг ўғли ялмоғизнинг ёлғиз күзини ўқ билан уриб яралайди. Онасининг маслаҳати билан иккинчи марта ўқ узмайди. Чунки эртакда келтирилишича, ялмоғизнинг кўзига иккинчи марта ўқ отилса, кампир яна ўз ҳолига келиши мумкин. Бола ялмоғизнинг «Мард бўлсанг яна от» дейишига қарамасдан кутиб турари ва пировард ялмоғиздан қутуладилар [Қазақ халық әдебиеті: 262].

Ўрганилган манбалар асосида шундай хulosса қилиш мумкинки, бир кўзли одам тимсоли туркий халқлар фольклорида қадим илдизларга эга. Қолаверса, бу ғайритабиий тимсол кўп ҳолларда салбий қаҳрамонларга мансублиги эртакларда ўз ифодасини топган. Юқорида аrimасп халқини Геродот урушқоқ халқ сифатида тасвиrlаганидай, улар ҳақидаги оғзаки маълумотлар, қўшни халқларнинг тасаввурлари аста-секин ёйилиб бораверган. Ўрта Осиёнинг «Авесто»си, қадимги хиндларнинг «Ригведа»си, Геродот келтирган Аристейнинг «Аrimасплар ҳақида эпос»идаги бир кўзли махлук ўртасидаги уйғунлик туркий қавмлар азалдан истиқомат қилган жанубий Сибирь ва Ўрта Осиё худудида бир нуқтада туташади. Географик худудлар ўртасида тарихий ва маданий алоқаларнинг мавжудлиги бу ўлкалардаги бадиий тафаккурнинг яхлитлигини ҳам таъминлаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алламбергенов X. Ғайритабиий образларнинг мифологик асослари. Тошкент, «Мұхаррир», 2013.
2. Википедия: Аrimаспы
3. Геродот. История. -Научно-издательский центр «Ладомир», М.: 1993.
4. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. –Л.: Наука ЛО, 1979.
5. Мифы народов мира. Одноглазка. Энциклопедия. Том 2. 1992.
6. Олтун ёруғ. -1-китоб, Т.: Фан, 2009.
7. Тайлор Э.Б. Превобытная культура. –М.: Изд. Политической литературы. 1989.
8. Қазақ халық әдебиеті. Көп томдық. Алматы, «Жазушы», 1989.